

ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЖИНОИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Тажиев Азамат Алибаевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тергов фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси*

Улугмуродов Лочинбек Шухрат ўгли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3 ўқув курс 319 гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орғали муаллифлар ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятларни сабаб шароитларини, криминологик таҳлилинни, ўлдириши ёки зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши жиноятини тушунчасини, унинг жиноий ҳуқуқий таҳлилинни ёритиб ўтишган.

***Калит сўзлар:** Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар, қўрқитиши, руҳий зўрлик, зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши, ўлдириши билан қўрқитиши.*

АННОТАЦИЯ

В рамках данной статьи авторы осветил причинно-следственные связи, криминологический анализ преступлений, опасных для жизни и здоровья, понятие преступления убийства или устрашения с применением насилия, его уголовно-правовой анализ.

Ключевые слова: Преступления, опасные для жизни или здоровья, запугивание, психологическое насилие, запугивание с применением насилия, запугивание убийством.

ANNOTATION

Through this article, the author has covered the causal conditions, criminological analysis of crimes that are dangerous to life and health, the concept of the crime of killing or intimidation with the use of force, and its criminal legal analysis.

Key words: Crimes dangerous to life or health, intimidation, psychological violence, intimidation with the use of violence, intimidation with killing.

Маиший турмуш муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликлар, кўни-кўшнилар, яқин танишлар ўртасидаги ўзаро можаролар оқибатида шахсга тан жароҳати етказилиши мумкин. Бу ҳолатлар эса ишлаб чиқариш, жамоат ишлари билан узвий боғлиқ бўлмаган вазиятларда вужудга келади. Бироқ маиший ҳаёт ва оилавий жанжаллар ҳам шахслар ўртасида бўлгани ҳолда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятга ҳурматсизлик туфайли гоҳида безорилик жиноятлари таркибини келтириб чиқаради. Энг муҳими, тан

жароҳатларини етказиш оила аъзолари, яқин танишлари ва қўшнилар ўртасидаги низоли ҳолатлар орқали содир этилади¹

Шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлардан жабрланган шахсларнинг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, нотаниш кишилардан жабрланганлар 16,8%, эр-хотинлар 9,1%, бирга яшовчи қариндошлар 9,0%, қўшнилар 5,8%, ҳамкасблар 7,9%, бошқа танишлар 44, 5%ни ташкил этади²

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар туркумига кирувчи жиноятлардан кўпроқ 112-модда Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жинояти учрайди. ушбу жиноятни жиноий ҳуқуқий таҳлиliga тўхталсак: Жиноят кодексининг 112-моддаси ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш учун, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан жабрланувчида хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлганда жиноий жавобгарликни белгилайди. Мазкур жиноятнинг *бевосита объекти* бошқа шахсининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш натижасида айнан ушбу ижтимоий муносабатлар хавф остида қолади.

Объектив томондан таҳлил этилаётган жиноят ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланади. *Қўрқитиш деганда*, жабрланувчига руҳий (психик) таъсир этиш йўли билан таҳдид қилиш тушунилади. Бунда қўрқитишнинг ифода қилиш усуллари турлича бўлиши мумкин, масалан, бевосита жабрланувчининг ўзига ёки учинчи шахслар ёхуд унга яқин кишилар орқали оғзаки ёки ёзма шаклда, телефон, телеграф, факс, интернет ёки бошқа шу каби воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Агар қўрқитиш бошқа шахслар орқали етказилган бўлса, албатта у ҳақда учинчи шахс орқали жабрланувчи огоҳлантирилган бўлиши керак.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш нияти борлиги ҳақида ҳар қандай усул билан уни хабардор қилиш тушунилади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, айбдорда жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш нияти борлигини ифода қилиш тушунилади. Жиноят кодекси 112-моддасининг матнида жабрланувчига қандай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш кераклиги аниқ белгилаб қўйилмаган. Шу боис, Жиноят кодекси 112-моддасида қайд этилган жабрланувчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган зўрликни ҳам жисмоний, ҳам руҳий хусусиятга эга бўлган зўрлик сифатида тушуниш мумкин.

¹ Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўрвонликни олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма / Маъсул муҳаррир проф. И.Исмаилов. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 104 б.

² Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурашулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.

Рухий зўрлик деганда, шахсинг ҳаёти ёки соғлиғига куч ишлатиш мумкинлиги тўғрисида жабрланувчининг иродасига ҳар қандай усулда таъсир ўтказиш тушунилади.

Жиноят кодекси 112-моддаси матнида қўрқитишнинг ҳақиқийлиги унинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлиши тариқасида очиб берилади. Жабрланувчига амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар берадиган сифатларга эга бўлган қўрқитиш ҳақиқий деб топилади. Жабрланувчида қўрқитишнинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар бор ёки йўқ деган масалани ҳал қилишда айбдор томонидан ифодаланган сўзларнинг мазмуни, қўрқитишга сабаб бўлган можаронинг жиддийлиги, кескинлиги, қўрқитувчи ва қўрқитилувчи ўртасида вужудга келган муносабатлар хусусиятини ҳисобга олиш керак бўлади. Қўрқитишнинг жабрланувчи томонидан идрок этилишига вазият ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, ҳеч кимдан ёрдам олиш мумкин бўлмаган хилват жойда, субъектнинг ҳаракатлари натижасида атрофдагиларнинг очик-ойдин уни қўллаб-қувватлаши ва бошқа шу сингари ҳолатларда бўлиши мумкин. Мазкур жиноят тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланади ва жиноят ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитилган вақтдан бошлаб тугалланган деб топилади. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-м.) жиноятини қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м.) ва қасддан баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказишга (ЖК 104–105 ва 109-м.) суиқасд қилишдан фарқлаш лозим. Таҳлил этилаётган жиноятнинг қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказишга суиқасд қилишдан фарқи, айбдорда жабрланувчининг ҳаётидан маҳрум қилиш ёки соғлиғига шикаст етказиш мақсадининг мавжуд эмаслиги (хоҳламаслиги) ва ҳақиқатда зўрликни амалга оширишга қаратилган ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмаганлигида ҳисобланади.³

Зўравонликдан эркаклар ҳам жабрланиши мумкин, лекин хотин-қизларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлар кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислоҳотлар айнан уларни ҳимоя қилишга қаратилган.⁴

Жисмоний зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:

шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш;

- зарб билан итариб юбориш;
- турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;
- қурол билан хавф солиш ёки яралаш;

³ Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 93-96 б.

⁴ Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма / Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов — Тошкент: Baktria press, 2020. — 5 б.

- уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик;
- кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқа.

Руҳий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;
- унинг фикрлари устидан кулиш;

жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик⁵

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликни олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма / Маъсуль муҳаррир проф. И.Исмаилов. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. –
2. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.
3. Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 93-96 б.
4. Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма / Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов — Тошкент: Baktria press, 2020. — 5 б

⁵ Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма / Ш. А. Пулатова, А. Ш. Муродов — Тошкент: Baktria press, 2020. – 11 б.